

## ХИВА ХОНЛИГИ ЁРЛИҚ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ҚИЙМАТИ

Сирожиддинова Мафтуна Баходировна,  
мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон халқаро  
ислом академияси ( Ўзбекистон, Тошкент ш. )

### АННОТАЦИЯ

Амалий безаклар ва нақшлар қадимий асарларни янада чуқур ўрганишга ёрдам беради. Котиб ва ҳаттотлар томонидан ишланган амалий санъат мамлакат ҳаётидаги воқеликларни, сарой девони амалдорларининг нозик дид эгалари бўлгани, уларнинг эстетик муносабати ҳамда мавжуд давлат маданияти бўйича кўплаб маълумотлар беради. Шунинг учун, Хива хонлиги архивидаги ҳужжатларнинг (ёрлиқлар) гўзаллиги ва нафис хусусиятларини намойиш этиш, унга ишлов бериш маҳорати ва усулларининг кўплиги амалий санъатда эстетик таъсирни оширувчи аҳамиятга эга фаол воситалардан бири ҳисобланади. Тақдим этилаётган ушбу мақола Хива ҳужжатлари туркумига кирувчи хон ёрлиқларида учрайдиган амалий санъат намунаси сифатидаги бадий безаклар бўйича маълумот беришга қаратилган.

**Калит сўзлар:** Хива хонлиги, ёрлиқ, маданият, нақш, муҳр, ислимий, гириҳ.

## ХУДОЖЕСТВЕННО-ЭСТЕТИЧЕСКАЯ ЦЕННОСТЬ ХИВИНСКИХ ЯРЛЫКОВ

Сирожиддинова Мафтуна Баходировна, соискатель  
Международная исламская академия Узбекистана ( Узбекистан, г. Ташкент )

**Аннотация:** Так как известно, росписные узоры и орнаменты могут служить в широком изучении исторических произведений. Ценнейшее искусство, созданное писцами и каллиграфами даёт множество сведений о реалиях жизни государства, об утонченном вкусе и знании, эстетическом мироощущении дворцовых чиновников, учёных, а также народа. Исходя из этого, изящные росписи и орнаменты, являющиеся доказательством высокой культуры страны сделанные в правовых актах (ярлыках) Хивинского ханства, навыки и методы их оформления являются одним из важных средств в изучении развития художественно-эстетической ценности исторических документов. Данная статья предназначена для целостного информирования по орнаментам обнаруженных в ханских ярлыках.

**Ключевые слова:** Хивинское ханство, ярлык, культура, узор, печать, ислимий, гириҳ.

Ўзбекистон ҳудуди инсоният цивилизациясининг қадимий марказларидан бири бўлиб, аждодларимиздан бизгача бой маданий мерос етиб келган. Бугунга қадар Хива хонлигига оид сақланиб келинаётган тарихий ҳужжатларнинг қадимийлиги, ноёблиги улардаги бадий безаклар ислом цивилизацияси тарихида мусулмон дипломатикаси нечоғлик бой эканлигидан ҳам далолат беради. Мазкур ҳудуд бирмунча олимлар томонидан ўрганилган бўлсада, ҳусусан ёрлиқларнинг палеографик жиҳати бўлмиш безакларига катта эътибор қаратилмаган ва махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Маҳаллий ва хориж тарихшунослигида Хива хонлиги сарой канцелярияси, унга тегишли тарихий ҳужжатларга бағишланган тадқиқотлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Хонликдаги сарой ҳужжатлари, архиви, хон ва қозиларнинг муҳрлари бўйича қимматли маълумотлар рус шарқшунос олимлари А.Л.Кун, П.П.Иванов, В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, О.Д.Чехович, А.Л.Троицкая, Н.П.Остроумов<sup>1</sup> тадқиқотларида учрайди. Шулар қатори, М.Й.Йўлдошев, О.Жалилов, Э.Э.Каримов, М.С.Исакова, У.А.Абдурасулов<sup>2</sup> каби олимлар тадқиқот ишларида Хива хонлиги тарихини ўрганишда ёрликларнинг аҳамияти, функцияси, ижтимоий ҳаётда ер-олди сотди масаласида ёрликларнинг муҳим вазифаси ва хусусияти бўйича қимматли маълумотлар келтирилган. Бироқ, мавзуга оид хорижий тадқиқотларга келсак Хива хонлиги ёрлик ҳужжатларининг бадий-эстетик хусусиятлари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мусулмон жамиятига алоқадор дастлабки ҳужжатлар кенг папирус қоғоз ёки ҳайвон териларига битилган. Бу ҳужжатлар араб тилидан ташқари ислом дини эндигина кириб борган ўлкаларда муомалада бўлган тилларда, жумладан, юнон, форс, сўғд тилларида битилгани билан ажралиб туради. Секин аста араб тили нафақат мусулмонларнинг ибодат тили балки давлат бошқаруви ва иш юритиш тизими тилига айланиши билан бутун ислом оламидаги ҳужжатлар араб алифбосида тузиладиган бўлди, араб ёзуви кенг ўзлаштирилди. Араб ёзуви ҳам безак, ҳам дуолар йозишда амалиётга тадбиқ этилди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлиб бир санъат турига айланди.

Ислом дини кенг тарқалиши натижасида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Бу жараёнлар ўз ўзидан наққошлик санъатининг ривож топишига, шу қаторда ёзув турларининг такомиллашишига ҳам туртки бўлди ва тасвирий санъат ривожланди. Мазкур жараёнлар ўз-ўзидан ҳужжатларни расмийлаштиришда маълум бир услуб сифатида ҳам кенг қўлланила бошлади. Турли ҳил археологик қазилмалар шуни кўрсатадики наққошлик жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд. “Нақш” арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, у қуш, ҳайвонот, ўсимлик дунёси, геометрик ва бошқа турли шаклларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра – ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

<sup>1</sup>Кун А.Л. Личный архив / Архив востоковедов. Институт восточных рукописей РАН. Санкт-Петербург. Ф. 33, оп. 1. // Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. – Л., 1940. – 289 с. // Бартольд В.В. Хорезм. Соч. Том 3. – М.: Наука, 1965. – 549 с. // Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. – СПб, 1877. – 327 с. // Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и Африки. 1969. №6. – С. 75-83. // Остроумов Н.П. Разъяснения и дополнения к «Жалованной грамоте» Тимура // Туркестанские ведомости. 1910. № 274. // Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – Москва, 1968.

<sup>2</sup> Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалити ва давлат тузилиши. – Т.: Ўздавнашр, 1959. – 364 б. // Жалилов О. Хива ҳужжатларининг янги коллекцияси // Шарқшунослик. Тошкент, 2013. №16. – Б. 53-60. // Каримов Э. Регистр казийских документов и хивинских йарлыков хивинского ханства XVII – начала XX в. Ташкент, 2007. // Исакова М.С. История комплектования и научного описания архивного фонда “Канцелярия хана хивинского” // Вестник архивиста. – Москва, 2015. №4. – С. 269-281. // Абдурасулов У.А. В Хиву в поисках справедливости: церемония “Арзод” в Хивинском ханстве // O‘zbekiston tarixi. Ташкент, 2015. №2. – С. 27-39. Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX – начало XX в.) // Восток / Oriens. Инст. Вост. РАН. – Москва, 2015. №4. – С. 32-46. // Каримов Э.Э., Абдурасулов У.А. Ханские ярлыки – как источник по истории Хивинского ханства // Узбекистан в Средние века. История и культура. – Ташкент, 2003. – С. 133-138.

Хива хонлари ёрлиқларига кўра нақш услубидан фойдаланиш анъанаси тахминан XIX асрда кенг қўлланила бошлайди. Тахминимизча, бу ҳолат мамлакатда тартибга келтирилган хонликдаги сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқ бўлган. Шунингдек, кучли ҳукмдорлар даврида таъсис этилган янги тизим ва ислохотлар котиб, мунший, ҳаттотларнинг билим савияси ошишига ҳам катта таъсир кўрсатган. Хива нақшлари ўзининг нафислиги ва рангларнинг бир-бирига аста-секин ўтиши аниқ бир калоритга қатъий риоя қилиниши геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг кўп ишлатилиши билан ажралиб туради. Нақшлар кўпинча яшил гаммада ишланади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта бофта, уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ етиштирилган. Хива нақши Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бухоро нақшидан тубдан фарқ қилади. Хива нақшида асосан зангори ва яшил ранглар кўп ишлатилган.

Нақшлар билан ҳужжатларга ишлов бериш, хонларнинг ҳукмнома, иноятнома, фармон, ёрлиқ ва шу каби ҳужжатларида котибларнинг, ҳаттотларнинг, ҳуснихат соҳибларининг санъаткорона яратилган асосий эстетик услубига айланди. Ҳаттотлик эса ўша ёзувга нафосат бахш этувчи соҳадир. Бу соҳалар билан бир қаторда наққош, туғронавис, хат кўчирувчиларнинг маҳорати уйғунлигида ҳужжатларга безак бериш алоҳида санъат сифатида шаклланиб, унинг сир-асрорлари ҳақида кўплаб рисолалар, мемуар асарлар, тарихий асарлар ёзилиб, ҳукмдорлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар, айнан ёрлиқларда чиройли хат ила битилган ёзув маъно ташишидан ташқари, кишиларга эстетик завқ беришга хизмат қила боошлади. Сарой котиблари нақшларнинг ҳар деталига, табиийлигига алоҳида эътибор бериб, ҳар бир элемент устида пухта фикр юритганлар. Ҳар бир нақш негизида маълум рамзий маъно сингдирилган.

Хива хонлари ёрлиқларида учратилган наққошлик тасвирлари асосан: уч, беш япроқдан иборат гуллар, думалоқ айланма тусдаги геометрик шакл ичига битилган томчи кўринишидаги гуллар, лола шаклидаги япроқлар орқали ишланган. Асосий урғу эса новда ва шкуфта шаклини ифода этувчи чизмага қаратилади. Новдани ифодалаш орқали ҳаттот гул чизмалари учун бир қолип тусидаги шаклни ҳам ифодалаб ўтади.

Ёрлиқларда учратилган муҳрлар ҳам ўзига ҳос тусда безалган, мисол учун, айрим муҳрлар атрофига олов шаклидаги қолип ишланган. Бунга мисол, Хива хони Ануша Муҳаммад Баҳодурхонга (1663-1687) оид мазмунан солиқлардан озод этиш учун хон томонидан мулло Муҳаммад исмли шахсга берилган ёрлиқнинг<sup>3</sup> пештоқ қисми ўнг бурчақда жойлашган оловсимон шаклга олинган муҳрни келтириб ўтишимиз мумкин. Айримлари эса кўзасимон шаклда бўлиб чизиқлар, новда ва майда барглар билан тасвирланган. Муҳрларнинг аксарияти думалоқ ва кўзасимон шаклга эга бўлиб “рута” шаклидан кенг фойдаланилган, яъни рута икки томонга уланувчи нақш таксими ҳисобланади. Мазкур услуб асосан муҳрларнинг ҳошия қисмида ишлатилади.

Ёрлиқларнинг унвон қисми ҳам ўзига ҳос орнамент билан безатилган. Унвон қисмида асосан мадоҳил элементидан фойдаланилади. Яъни, бир сўз билан айтаганда ҳужжатнинг “пештоқ” қисмини бажарувчи шакллар билан безатилади. Бу шакллар учбурчаксимон

<sup>3</sup> Тарханный ярлык Хивинского хана Ануша Мухаммад Бахадурхана, выданный мулле Мухаммаду, по которому он и его сыновья и все его братья освобождаются от всяких податей // ЎзМА ф. 125, р. 2, ж.1.

шакл, тумор, лола, ярим тўла қуёш каби шакллар кўринишида ифодаланади. Мисол тариқасида, Хива хони Муҳаммад-Раҳимхон II (1864-1910) даврида расмийлаштирилган ҳужжатларнинг акси тарафи турли рангдаги (сарик, яшил, қизил, зангори) анор, бодом, гул, қаламбир ва бошқа рамзий нақш орқали безакланган матоли рулон шаклга эга қоғозга ёпиштирилган. Бу услуб ҳужжатнинг қийматини янада оширишга хизмат қилган. Котиб ва ҳаттоғларнинг бу услубдан фойдаланиши уларнинг юқори билим савиясига эга бўлганлигини билдиради. Рамзий нақшлар эса мамлакатдаги муҳит, бўлаётган воқеаларни акс эттирган, демакки ҳар нақш ўзига ҳос маъно ифодалаган.

Ислимий услубидаги ўймакорлик асосида деярли азалдан бутун Ўрта ва Яқин Шарқда маълум бўлган ҳамда кенг тарқалган классик безакнинг ислимий мавзусида хилма-хил ўсимлик ва ўсимликсимон геометрик шакллар ётади. Бу хил безакларнинг шакл ва композиция жиҳатидан ўзларига хос қатъий қонун-қоидалари бор. У бир текисда, кунча, барг, гуллар билан қопланган серҳашам шохлардан иборат бўлиб, бошқа шу хилдаги шаклларга чатишиб кетган бўлади<sup>4</sup>. Ислимий нақш эса спиралсимон майда қилиб ишланади. Гуллар -ислимий нақш элементи бўлиб нақшларга таргил пардоз берилганидан сўнг янада кўрк ва ҳусн бағишлайди. Гул элементлари асосан нақш шаклларининг марказий қисмларига жойлаштирилади. Гулларнинг ҳам бехисоб турлари мавжуд бўлиб, ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, қувачагул, карнайгул, сафсаргул, атиргул, нарғизагул ва бошқа гул турлари киради<sup>5</sup>.

Ислимий нақш композициясида новда, маргула, шкуфта, барг, нўхат, гул, оддий ойгулдан ташкил топади. Ислимий нақшларда ойгул, пахта, бофта, уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ стиллаштирилган мураккаб гириҳ нақшлари ҳам кенг қўлланилган. Кўпинча юлдуз хосил қилувчи гириҳлар ишлатилиб, ораси спиралсимон ислимий нақш билан бойитилган. Хива ёрлик ҳужжатларида ҳам ойгул, лола, чиннигул каби безакли гуллардан фойдаланилган. Ушбу турдаги безакларни Хива хони Муҳаммад Амин Баҳодурхонга (1845-1855) тегишли қози ва бийлик мансабига тайинлаш учун берилган ёрликда<sup>6</sup> кўриш мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижаларига қараганда, Ўрта Осиё безакларида гириҳ нақшининг вужудга келиши VIII асрнинг бошларига бориб тақалади. Ўрта Осиё ва яқин Шарқ мамлакатлари безак санъатида гириҳ IX-XX асрларда равнақ топган. Хоразмдаги IX-XII асрларда археологик топилмалар, XIV-XVII асрларда Хива шаҳарида масжид ва саройларни безашда гириҳ кенг қўлланилган. Гириҳ методи секин асталик билан ҳужжатларни безашда ҳам фойдаланилган. Бу ҳолат ҳужжатларнинг қийматини ошириши билан бирга, ҳужжат таъсис этилаётган мамлакатнинг маданий ҳаёт даражасини акс эттирган.

Таъкидлаш керакки, амалий безак санъати инсоннинг моддий муҳитини гўзаллаштиришга, эстетик бойитишга хизмат қилади, айни пайтда ўзининг кўриниши, тузилиши, хусусиятлари билан инсоннинг руҳий ҳолати, кайфиятига таъсир этади,

<sup>4</sup> Фуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланим. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2007. – Б. 67.

<sup>5</sup> Ўша манба. – Б. 16-33.

<sup>6</sup> Ярлык Хивинского хана Мухаммад Амин Бахадурхана, о назначении казия и би // ЎзМА ф. 125, р. 2, ж., 15., 4 с.

кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди.

Хулоса қилиб айтганда, амалий безаклар ва нақшлар қадимий асарларни янада чуқур ўрганишга ёрдам беради. Амалий санъат намунаси қаторига кирувчи қонунчилик ҳужжатлари бўлмиш Хива хонлари ёрлиқлари ҳам, қисман мамлакатнинг тарихи, ўтмиши ва мавжуд муҳит, ижтимоий ҳаёт ва инсонларнинг эстетик диди ва бадий қарашлари бўйича далилий маълумот беради. Ҳужжатларда ишлатилган тасвир, безак ва орнаментлар орқали ҳам, аҳолининг яшаш ҳаёт тарзи, маданият ва санъат, хўжалик тизими, мулкчилик асослари, таълим тизими, маъмурий бошқарув тартиби, ҳукмдорларнинг канцелярияси, иш юритиш тизими ва девони, ҳужжатларнинг даври ва муаллифи бўйича кўплаб масалаларга аниқлик киритиш мумкин.

## ФҲЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Тарихий ҳужжатлар

1. Тарханный ярлык Хивинского хана Ануша Мухаммад Бахадурхана, выданный мулле Мухаммаду, по которому он и его сыновья и все его братья освобождаются от всяких податей // ЎзМА ф. 125, р. 2, ж.,1.
2. Ярлык Хивинского хана Мухаммад Амин Бахадурхана, о назначении казия и би // ЎзМА ф. 125, р. 2, ж.,15., 4 с.

### МАНБАЛАР

1. Абдурасулов У.А. В Хиву в поисках справедливости: церемония “Арзод”
2. Хивинском ханстве // O‘zbekiston tarixi. Ташкент, 2015. №2. – С. 27-39. Правовая и фискальная динамика землевладения в Хорезме (XIX – начало XX в.) // Восток / Oriens. Инст. Вост. РАН. – Москва, 2015. №4. – С. 32-46.
3. Бартольд В.В. Хорезм. Соч. Том 3. – М.: Наука, 1965. – 549 с.
4. Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском
5. ханстве. – СПб, 1877. – 327 с.
6. Гуломов К. Амалий санъат. Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма. – Т.:
7. «Иқтисод-Молия», 2007. – 88 б.
8. Жалилов О. Хива ҳужжатларининг янги коллекцияси // Шарқшунослик.
9. Тошкент, 2013. №16. – Б. 53-60.
10. Иванов П.П. Архив Хивинских ханов XIX в. – Л., 1940. – 289 с.
11. Исакова М.С. История комплектования и научного описания архивного
12. фонда “Канцелярия хана хивинского”// Вестник архивиста. – Москва, 2015. №4. – С. 269-281.
13. Ёўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.:
14. Ўздавнашр, 1959. – 364 б.
15. Каримов Э.Э., Абдурасулов У.А. Ханские ярлыки – как источник по
16. истории Хивинского ханства // Узбекистан в Средние века. История и культура. – Ташкент, 2003. – С. 133-138.
17. Каримов Э. Регистр казийских документов и хивинских йарлыков
18. хивинского ханства XVII – начала XX в. Ташкент, 2007.

19. Кун А.Л. Личный архив / Архив востоковедов. Институт восточных
20. рукописей РАН. Санкт-Петербург. Ф. 33, оп.
21. Остроумов Н.П. Разъяснения и дополнения к «Жалованной грамоте»
22. Тимура // Туркестанские ведомости. 1910. № 274.
23. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – Москва, 1968.
24. Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатики // Народы Азии и
25. Африки. 1969. №6. – С. 75-83.